VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Тошкент шаҳар ташқи савдо айланмаси 2019 йилнинг январь–мартида 2802,3 млн. АҚШ долларни, жумладан экспорт – 646,0 млн. АҚШ долларни, импорт 2156,3 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Ташқи савдо сальдоси минус 1510,3 млн. АҚШ долларни, шу жумладан МДҲ давлатлари билан минус 515,5 млн. АҚШ долларни ва бошқа давлатлар билан минус 994,8 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Тошкент шаҳрининг ташқи савдо айланмаси

(январь–март)

	млн. АҚШ доллари	*2018 йилнинг январь–мартига нисбатан, % ҳисобида*	*Жамига нисбатан улуши, % ҳисобида*
Ташқи савдо айланмаси	**2802,3**	**120,9**	**100,0**
МДҲ давлатлари	1007,5	102,0	36,0
бошқа давлатлар	1794,8	135,0	64,0
Экспорт	**646,0**	**95,5**	**100,0**
МДҲ давлатлари	246,0	103,1	38,0
бошқа давлатлар	400,0	91,4	62,0
Импорт	**2156,3**	**131,4**	**100,0**
МДҲ давлатлари	761,5	101,7	35,3
бошқа давлатлар	1394,8	156,3	64,7
Сальдо	**1510,3**	**x**	**x**
МДҲ давлатлари	-515,5	x	x
бошқа давлатлар	-994,8	x	x

МДҲ ва бошқа давлатларнинг Тошкент шаҳар ташқи савдо айланмасидаги улуши *фоизда*

(январь-март)



Тошкент шаҳарининг 2019 йил январь-март холатига ташқи савдо айланмасидаги улушининг 36,0 % МДҲ давлатларига туғри келади қолган 64,0 % бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткичлар 2018 йилда мос равишда 42,6 % МДҲ давлатларига тўғри келган бўлса қолган 57,4 % бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келди. Тошкент шаҳарнинг МДҲ давлатлари билан олиб борилган ташқи савдо айланмаси

2019 йилнинг январь-март ҳолатига 1007,5 млн АҚШ доллорни ташкил қилган бўлса, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,0 фоиз ўсиш кузатилган.

МДҲ давлатлари орасида Россия, Қозоғистон, Украина, Тожикистон давлатлари ташқи савдо айланмасида асосий хамкорлар ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 32,3 % ни ташкил қилади, бошқа давлатлар орасида Хитой, Туркия, Афғонистон, Германия, Латвия, Литва, Ҳиндистон ва АҚШ давлатлари ҳисобланади.

Тошкент шаҳар ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар, *фоизда*
(январь–март)



Тошкент шаҳарининг 2019 йил январь-март ҳолатига ташқи савдода энг асосий ҳамкор давлатлари Хитой (22,6 %), Россия (21,7 %), Қозоғистон (7,8 %), Туркия (4,5 %) ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 56,6% ни ташкил қилади.

Дунёдаги мамлакатлар орасида экспортда хамкор давлатлар Хитой, Россия, Қозоғистон, Туркия, Афғонистон ҳисобланиб, уларнинг жами экспортдаги улуши 70,3 % ни ташкил қилади, импортда эса хамкор давлатлар Хитой, Россия, Қозоғистон, Туркия, Германия, АҚШ давлатлари ҳисобланади ва уларнинг улуши 60,3 % ни ташкил қилади.

Тошкент шаҳар ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар ҳажми
(январь–мартда)

(млн. АҚШ доллари)

	Экспорт	*Импорт*	*Товар айланмасидаги улуши, % ҳисобида*
Хитой	177,3	455,3	22,6
Россия	124,5	483,3	21,7
Қозоғистон	39,7	178,1	7,8
Жанубий Корея	11,6	183,3	7,0
Туркия	33,5	93,9	4,5
Афғонистон	79,2	0,3	2,8
Германия	6,0	58,0	2,3
Украина	4,5	41,5	1,6
Туркманистон	7,4	30,5	1,4
АҚШ	3,9	32,5	1,3
Тожикистон	31,8	2,7	1,2
Қирғизистон	23,9	5,2	1,0
Буюк Британия	9,2	18,3	1,0
Франция	4,3	15,1	0,7

Тошкент шаҳрининг экспорт таркибида қарийб барча товарлар ва хизматлар гуруҳлари бўйича ўсиши кузатилмоқда. Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар экспорти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,7 фоизга, машина ва ускуналар 134,2 фоизга ўсган.

Импорт таркибининг умумий ҳажмидан 41,9 фоизни машина ва асбоб-ускуналар ва 16,4 фоизини кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ташкил қилади.

Экспорт ва импорт таркиби

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		2018 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида
	2018 йил январь-март	2019 йил январь-март	
Экспорт таркиби	**100,0**	**100,0**	**105,8**
химия саноати маҳсулотлари	5,9	6,5	104,7
кора ва рангли металлар	5,1	3,7	69,1
машина ва ускуналар	3,9	5,4	134,2
озик-овкат маҳсулотлари	4,2	2,8	62,8
энергия ресурслари	9,0	7,2	76,7
хизматлар	63,7	63,9	95,9
бошкалар	8,2	10,5	121,9
Импорт таркиби	**100,0**	**100,0**	**119,9**
химия саноати маҳсулотлари	19,2	16,4	112,1
кора ва рангли металлар	15,3	12,1	103,3
машина ва ускуналар	27,4	41,9	200,6
озик-овкат маҳсулотлари	17,7	11,0	81,3
энергия ресурслари	1,1	2,7	318,9
хизматлар	6,6	4,4	87,7
бошкалар	12,7	11,5	121,2

Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби, жамига нисбатан, *фоизда*

(январь-март)

Товар ва хизматларнинг импорт таркиби, жамига нисбатан,фоизда

(диаграмманинг ташқи айланаси 2019 йил январь-март, ички айланаси 2018 йил январь-март)